

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

138 «Импорт қилинадиган товарларни божхонада расмийлаштиришда даврий божхона декларациясини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 7 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2419-2

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексини ва Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил 28 январдаги 01-02/12-10-сон «Импорт қилинадиган товарларни божхонада расмийлаштиришда даврий божхона декларациясини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 2419, 2013 йил 30 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 5-сон, 64-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.
2. Мазкур қарор 2016 йил 21 апрелдан эътиборан кучга киради.

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

З. ДУСАНОВ

Тошкент ш.,
2016 йил 1 апрель,
01-02/12-17-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил
1 апрелдаги 01-02/12-17-сон қарорига
ИЛОВА

«Импорт қилинадиган товарларни божхонада расмийлаштиришда даврий божхона декларациясини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган ўзгартиришлар

1. Қарорнинг муқаддимасидан «(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 2-сон, 36-модда)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.

2. Низомда:

а) муқаддимадан «(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 2-сон, 36-модда)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

б) 1-банднинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«бир хил товарлар — ишлаб чиқарилган мамлакати, физик хусусиятлари, сифати, ишлаб чиқарувчиси ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолиятининг товар номенклатураси (ТИФ ТН) бўйича товар коднинг ўнта белгили даражаси бир хил бўлган товарлар;

айни бир шахс томонидан доимий олиб ўтиш — бир хил товарларнинг олтмиш календарь кун ичида бир маротабадан кўп марта битта юк жўнатувчи манзилдан бошқа юк қабул қилувчи манзилига бир контракт (шартнома, келишув) асосида бир хил шароитда божхона чегарасидан олиб ўтилиши;

товар туркуми — битта олувчининг манзилига битта транспорт хужжати бўйича келаётган ёки битта почта юк хати билан жўнатилаётган ёхуд божхона чегараси орқали ўтаётган битта жисмоний шахснинг қўл юкида ва бағажда олиб ўтилаётган товар ёки унинг бир қисми.»;

в) 2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Даврий божхона декларацияси (кейинги ўринларда — ДБД деб юритилади) бир хил товарларни импорт божхона режимида айна бир шахс томонидан доимий олиб ўтишда расмийлаштирилади.»;

г) 6, 7 ва 10-бандлардаги ҳамда 17-банднинг учинчи хатбошисидаги «партияси» деган сўз «туркуми» деган сўз билан алмаштирилсин;

д) 8-банддаги ҳамда 17-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги «партиясини» деган сўз «туркумини» деган сўз билан алмаштирилсин;

е) 9, 10 ва 19-бандлардаги «партиясининг» деган сўз «туркумининг» деган сўз билан алмаштирилсин

ж) 11-банддаги «1 ва 6-асл нусхаларининг» деган сўзлар «1 ва 4-нусхаларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

з) 17-бандда:

тўртинчи хатбошидаги «партия» деган сўз «туркум» деган сўз билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «92-моддасида» деган сўзлар «261-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.